

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги**

№ 06/04-01-32/3953

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси**

№12-37999

2019 йил «30» декабрь

**Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар
Давлат солиқ бошқармаларига**

**Қорақалпоғистон Республикаси
Молия вазирлиги, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар молия
бошқармаларига**

**Юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига
2020 йил 1 январдан киритилаётган ўзгаришлар тўғрисида
АХБОРОТ ХАБАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги таҳрирда) амалга киритилади. Шу муносабат билан, юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига киритилган асосий ўзгаришларни маълум қиласиз.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг электрон нусхаси Молия вазирлигининг (www.mf.uz) ва Давлат солиқ қўмитасининг (www.soliq.uz) сайтларида жойлаштирилган.

Солиқ кодексини (янги таҳрирда) қабул қилиниши муносабати билан солиқ ҳисоботларининг янги шакллари ишлаб чиқилади. Солиқ ҳисоботи шакллари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг барча солиқ тўловчиларга етказилади.

Акциз солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари, мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган микдори, маҳаллий йиғимларнинг чегаравий стакалари, автотранспорт воситаларини сотиб олинганда ва (ёки) вақтинчалик олиб кирилганда ички ишлар органларида уларни рўйхатдан ўтказганлик учун автотранспорт воситалари эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар ва хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига

кириши ва худуддан транзит ўтиши учун йигимлар ставкалари 2019 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилдаги Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган.

Ер солиги бўйича 2020 йил учун солик ҳисоботи қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар қисми бўйича 2019 йилда амалдаги шакллар бўйича ер участкаси жойлашган жойидаги солик органларига тақдим этилади.

Мол-мулк солиги ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг 2020 йил учун ҳисобланадиган суммаси тўғрисидаги ҳисбот 2019 йилда амалда бўлган шаклда тақдим этилади.

2019 йил учун солик ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг янги таҳририда назарда тутилган муддатларда 2019 йилда амал қилган шакл ва тартибда тақдим этилади.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ягона ижтимоий тўлов ўрнига ижтимоий солик, ягона солик тўлови ўрнига – айланмадан солик, қатъий белгиланган солик ўрнига - жисмоний шахсларнинг даромадларига, уларга қонун хужжатларида белгиланган тартибда илгари берилган имтиёз ва солиқни ҳисоблаш хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда, қатъий белгиланган миқдорда солик жорий этилади.

2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар, шунингдек солиқлар бўйича пасайтирилган ставкалар қуидаги муддатларда амал қиласди:

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси билан тақдим этилган ва белгиланган имтиёзлар ва ставкалар 2020 йил 1 апрелгача;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тақдим этилган имтиёзлар ва ставкалар, уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар.

3. Солик кодекси таркибидан давлат божи, товарларнинг айрим турларини (алкоголли ичимликлар) сотиш хуқуқи учун йигимлар бўлимлари чиқарилди, улар “Давлат божи тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қонунида назарда тутилади.

4. Бир марталик хусусиятдаги маҳсус тўловлар бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар учун бонулар (имзоли бонус ва тижоратбоп бонус) Солик кодексидан “Ер қаъри тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўтказилади.

5. Солик тўловчилар 2020 йил 1 апрелгача 2020 йил учун солик солиш мақсадлари учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишлиари шарт. Солик мақсадлари

учун ҳисоб-китоб сиёсати солик тўловчи томонидан мустақил равишда ихтиёрий шаклда белгиланади ва раҳбарнинг бўйруғи билан тасдиқланади.

6. Куйидагилар учун маҳсус солик режимлари бекор қилинди:

а) бозорлар учун, уларни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказган ҳолда. 2020 йил 1 январдан бошлаб бозорлар аввалги солик тўлаш тартиби (даромаднинг 50 фоизи) ўрнига куйидагиларни тўлайди:

умумдавлат солиқларини (агар реализация ҳажми 2019 йилда 1 миллиард сўмдан ошган бўлса) - юридик шахслардан олинадиган ер солифи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик, қўшилган қиймат солифи ва 20 фоизли оширилган ставкада фойда солифини;

айланмадан солиқни (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд. сўмдан кам бўлгандан), шунингдек юридик шахслардан олинадиган ер солифи, юридик шахсларнинг мол-мулк солифи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни;

б) концерт-томуша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун, уларга жисмоний шахслардан даромад солифини тўлашни киритган ҳолда.

Концерт-томуша фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун айланмадан солик (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд. сўмдан кам бўлгандан) ёки умумбелгиланган тартибда тўланадиган солиқлар (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд. сўмдан ошганда) киритилади.

Шу билан бирга, ушбу фаолиятни амалга ошириш хуқуки учун олинадиган давлат божининг миқдори деярли 4 баравар камайтирилди;

в) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун, уларни умумбелгиланган солик тўлашга ёки айланмадан солик тўлашга ўтказиш билан. Шу билан бирга, ушбу тоифадаги солик тўловчилар учун фойда солигининг ноль ставкаси белгиланади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун ишлатиладиган мол-мулк қисми бўйича мол-мулк солифидан ва томчилатиб суғориш тизими жорий этилган ерлар учун ер солифидан имтиёзлар сақлаб қолинади.

7. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солифини тўлашни ёки 2020 йилдан бошлаб ўртacha 25 фоизгача пасайтириладиган қатъий белгиланган миқдорда солик тўлашни танлаш хуқуки берилади. Декларация асосида ёки қатъий белгиланган миқдорда солиқни танлаш ва тўлашнинг батафсил тартиби ушбу қўшма хатнинг 3.9-бандида келтирилган.

8. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг янги таҳририда ҳисобварақ-фактуралар қоида тартиқасида электрон кўринишида расмийлаштирилиши белгиланган.

2020 йил 1 январдан бошлаб товарларни (хизматларни) сотища хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварак-фактураларни электрон шаклда тақдим этиши ва қабул қилиши шарт. Солиқ тўловчилар электрон ҳисобварак-фактуралар операторини ўз хоҳишларига кўра танлашлари мумкин.

Шу билан бирга, электрон ҳисобварак-фактураларнинг алоҳида операторлари 2020 йил бошида ўз хизматларини бепул тақдим этадилар.

Кўп сонли солиқ тўловчиларни электрон ҳисоб операторларига улаш зарурати туфайли, 2020 йил 1 июлга қадар солиқ органлари белгиланган тартибни бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўлламайдилар.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ҳисобварак-фактураларни расмийлаштиришнинг, шу жумладан уларни қоғозда расмийлаштириш мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, янги тартиби етказилади. Ҳисобварак-фактураларни тақдим этиш тартиби ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилганига қадар солиқ тўловчилар 2019 йилда амалда бўлган тартибни қўллашлари керак (рўйхат рақами 3126, 2019 йил 21 январь).

Шунга ўхшашиб тартиб онлайн касса аппаратларидан фойдаланишда ҳам қўлланилади.

II. Солиқ маъмуриятчилиги масалалари.

1. Солиқ органларининг солиқ тўловчининг солиқ қарзини ундиришни унинг дебиторидан олинадиган суммага қаратиш ҳуқуқи бекор қилинади.

2. Солиқ органларининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган соликларни ўз вақтида қайтариш учун жавобгарлиги кучайтирилди. Ортиқча ундирилган солиқ ва молиявий санкциялар суммаларини, ушбу суммаларни ундириш (тўлаш) даврида амалда бўлган Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда қайтарилади.

Айнан шу тартибда, ортиқча тўланган солиқ суммасини ўз вақтида қайтариш ва ортиқча ундирилган солиқ суммасини ҳисобга олиш (қайтариш) механизми жорий этилмоқда. Шу билан бирга, солиқ суммасини қайтаришда ҳар бир кечикирилган кун учун солиқ органи томонидан солиқ тўловчига фоиз тўлаш назарда тутилади.

3. Солиқ органларига риск-тахлил асосида камерал солиқ текширувлари, сайдир солиқ текширувларини ва солиқ аудитини тайинлаш ҳуқуқини берадиган солиқ назоратини амалга оширишнинг янги тартиби назарда тутилган.

Солиқ органлари томонидан солиқ текширувлари фақат Солиқ кодексида назарда тутилган ва уларни ўтказиш тартибини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинганидан кейин ўтказилиши мумкин. Хусусан, Солиқ кодекси солиқ текширувларининг қўйидаги турларини назарда тутади:

а) камерал солиқ текшируви (солиқ тўловчининг ҳисботовини солиқ органида ўрганиш ва уни божхона органлари, банклар, энергетика корхоналари, кадастр ва бошқаларнинг маълумотлари билан солиштириш), унинг натижасида солиқ тўловчи солиқ ҳисботовига тузатишлар киритиши ёки асослантирилган сабабларни кўрсатиши керак.

Камерал солиқ текширувини ўтказиш учун солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) буйруғи бўлиши шарт. Шу билан бирга, камерал солиқ текшируви доирасида солиқ органининг мансабдор шахсига солиқ тўловчидан маълум бир солиқни ҳисоблашнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун зарур хужжатларни талаб қилиш ҳукуқи берилади.

Камерал солиқ текшируви натижалари бўйича молиявий санкциялар, қўлланилмайди, лекин пеня ҳисобланishi мумкин;

б) сайёр солиқ текшируви (солиқ тўловчининг айрим кўрсаткичларини жойига чиққан ҳолда ўрганиш), унинг мақсади фактларни қайд этишдан иборат. Сайёр солиқ текшируви солиқлар ва йифимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳамда бошқа мажбуриятлар бажарилиши масалаларида маълумот тўплаш учун амалга оширилади.

Сайёр солиқ текширув натижалари бўйича солиқлар қўшимча ҳисобланмайди.

в) солиқ аудити – катта ҳажмдаги оборотларда юқори даражада рискка эга бўлган солиқ тўловчи томонидан солиқ қонунларига риоя этилишини ҳар томонлама ўрганиш. Солиқ аудити солиқларни тўлашдан бўйин товлаш хавфи омилларини таҳлил қилиш асосида танланган солиқ тўловчиларда ўтказилади.

Солиқ аудити натижаларига кўра қўшимча солиқлар ҳисобланishi ва молиявий санкциялар қўлланилиши амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга, қўйидагича тартиб жорий этилади, унга мувофиқ 2022 йил 1 январгача давлат солиқ хизмати органлари солиқ аудити тайинланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қиласидар.

4. Солиқ низоларини судгача ҳал этиш тартиби аниқлаштирилган, шунингдек солиқ ҳуқуқбузарлиги туридан келиб чиқиб, жавобгарлик чоралари белгиланган.

Бунда, солиқ органининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан суд тартибида шикоят қилиш фақат юқори турувчи солиқ органига шикоят қилинганидан кейингина мумкин бўлади.

5. Солиқ кодексида қўйидагилар кўзда тутилган:

солиқларни тўлашни таъминловчи янги воситалар, шунингдек коллегиал органлар (комиссиялар)нинг иштирокисиз пуллик асосда

солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тартибини киритилиши;

солиқ солищдан бўйин товлашга қарши нормаларни, шу жумладан “битимларни қайта квалификациялаш”, “сохта битимларни” бекор қилиш, фирибгарлик битимлари бўйича чегирмаларни тақдим этмасликни белгилаш;

6. Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексида 2020 йил 1 январдан бошлаб имтиёзлар фақат Солиқ кодекси билан тақдим этилиши белгиланмоқда.

Бунда, айрим солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилганда ва (ёки) реализация қилинганда акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан фақат белгиланган солиқ ставкасини камайтириш, лекин кўпи билан 50 фоизга камайтириш тарзида ва кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар, шу жумладан товарлар Ўзбекистон Республикасининг худудига олиб кирилишида (импортида) солиқ солищдан бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шарти билан берилиши мумкин эмас.

7. Трансферт нархларни белгилаш, назорат қилинадиган чет эл компаниялар, солиқ тўловчиларнинг қонсолидация гуруҳларининг фойдасини солиқقا тортиш 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киради ҳамда улар бўйича доимий равишда маълумотлар чоп этилиб борилади.

III. Солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш бўйича асосий ўзгаришлар

1. Қўшилган қиймат солиғи бўйича:

1.1. 2020 йил 1 январдан қўйидагилар бекор қилинади:

а) ҚҚСни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби.

Бунда, солиқ тўловчилар ҚҚСни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибидан умумбелгиланган тартибга ўтганда, улар 2020 йил 1 январь ҳолатидаги товар-моддий захира қолдиқлари бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиши мумкин.

Масалан, 2019 йилда соддалаштирилган тартибда ҚҚСни тўловчи корхона 2020 йилда 15 фоизлик ставкада тўловчи бўлади. 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига корхонанинг балансида қўйидагилар мавжуд:

ҚҚС билан сотиб олинган 100 млн.сумлик товар-моддий захиралари. Шу жумладан, охирги 12 ойда сотиб олинган товар-моддий захиралари, яъни 2019 йилнинг 1 январидан 31 декабригача 80 млн.сумни ташкил этади;

ҚҚС билан сотиб олинган қолдиқ қиймати 200 млн. сүмлик асосий воситалар. Шу жумладан, 2019 йилда сотиб олинган асосий воситалар қолдиқ қиймати 50 млн. сүмни ташкил этади;

300 млн.сүмлик қурилиши тугалланмаган объект, шу жумладан 2019 йилда мазкур қийматга киритилган ҚҚС билан сотиб олинган товар ва хизматлар 150 млн.сүмни ташкил этади.

2020 йил 1 январь ҳолатига корхона қуидагиларга тұғри келадиган ҚҚС суммасини ҳисобга олиши мүмкін:

80 млн. сумлик товар-моддий захиралари қолдиқлари;

50 млн. сүмлик қолдиқ қиймат билан асосий воситалари;

150 млн.сумлик қурилиши тугалланмаган объект қийматига киритилган товар ва хизматлари.

Бунда ҚҚС суммаси товар-моддий бойликлар ва хизматлар сотиб олингандан мол етказиб беручилар томонидан күрсатылған ставкага мувофиқ улар қийматини камайтиради.

б) айланмадан солиқ тұловчиларнинг ҚҚСни ихтиёрий равища тұлаш имконияти.

1.2. Қўйидагилар товарлар (хизматлар) реализациясидан даромад миқдори кўрсаткичидан қатын назар ҚҚС тұлайдилар:

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

акциз ости товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи ва (ёки) фойдалы қазилмаларни қазиб олевчи юридик шахслар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи юридик шахслар – уларда 50 гектар ва ундан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари мавжуд бўлганда;

бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилувчи юридик шахслар;

лотереяни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар;

оддий ширкат шартномаси доирасида амалга ошириледиган фаолият бўйича – оддий ширкатнинг ишларини юритиш вазифаси зиммасига юқлатилган ишончли шахс – оддий ширкатнинг иштирокчиси;

ваколатли органнинг хulosаси чиқарилган тугалланмаган ишлаб чиқариш объектлари ва фойдаланимаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорлари бўлган юридик шахслар;

марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириледиган объектларни қурилишини (жорий ва мукаммал таъмирлашдан ташқари) бажарувчи юридик шахслар.

1.3. 2020 йил 1 январдан қуидагилар ҚҚС тұловчилари ҳисобланади:

чет эл юридик шахсларнинг доимий муассасалари (товарлар (хизматлар) реализациясидан даромад миқдоридан қатъий назар). Доимий муассасалар ҳам 2020 йил 1 январь ҳолатига товар-моддий бойликлар қолдиги бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиши мумкин;

Ўзбекистон ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эллик юридик шахслар, агар бу товарларни (хизматларни) сотиш жойи Ўзбекистон ҳисобланса.

ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиш кодини олиш учун, 2020 йил 1 январдан ҚҚСга ўтиш бўйича мажбурияти вужудга келган солиқ тўловчиларга 2020 йилнинг 10 январига қадар ҚҚСга ўтиш бўйича тегишли аризани бериш тавсия этилади.

1.4. Солиқ агентлари томонидан ҚҚС тўлаш тартиби киритилмоқда.

Бу ҳоллатда ҚҚС тўлаш солиқ агенти ва товарларни (хизматларни) реализация қилувчи шахснинг товарлар (хизматлар) реализациясидан олинган даромади миқдоридан қатъи назар амалга оширилади.

ҚҚС тўлаш мақсадида солиқ агенти деб қуийдагилар тан олинади:

а) давлат мулкини ижарага бериш бўйича ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мулкини ижарага берганда.

Солиқ агенти шартномада белгиланган ижара тўлови суммасидан ҚҚСни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиб беришга мажбур. Бинобарин, давлат мулкини ижарага бериш бўйича ваколатли орган шартномада ҚҚС суммасини қўзда тутиши лозим. ҚҚС тўловчилари бу шарномалар бўйича солиқ суммасини Солиқ кодексида белгиланган тартибда ҳисобга оладилар;

б) юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар – ҚҚС тўловчиси сифатида Ўзбекистон Республикаси солиқ органларида ҳисобга турмаган чет эллик шахслардан товарлар (хизматларни) сотиб олганда.

Топшириқ, воситачилик шартномалари ёки бошқа воситачилик шартномалари асосида чет эллик шахслар томонидан товарлар (хизматлар) реализацияси амалга оширилганда, солиқ агенти деб воситачи ёки ишончли вакил тан олинади.

1.5. Хизматларни реализация қилиш жойини аниқлаш ва уларга ҚҚС солиш тартиби кайта кўриб чиқилган. Жумладан, реализация жойи Ўзбекистон Республикаси деб тан олинмаган хизматларни кўрсатиш эндиликда солиққа тортилмайдиган оборот сифатида қаралмайди.

Реализация жойи Ўзбекистон Республикаси деб тан олинмаган хизматларни кўрсатувчи хужалик субъектлари ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) ҚҚСни ҳисобга олиш ҳукуқига эга.

Янги тартибга мувофиқ солиққа тортилмайдиган оборотлар деб факат солиққа тортишдан озод этилган оборотлар тан олинади.

Хизматларни реализация қилиш жойини аниқлашда хизматни оловчи шахснинг ўз фаолиятини амалга ошириш жойи устувор принцип ҳисобланади.

Агар, хизматни оловчи шахс Ўзбекистон Республикаси фаолиятини амалга ошиrsa, мазкур хизматларни реализация жойи Ўзбекистон Республикаси ҳисобланади.

Солиқ кодексининг 239-моддаси учинчи қисми 1-10-бандларида кўзда тутилган хизматларни реализация қилиш жойи уларнинг оловчилари Ўзбекистон Республикасида фаолиятини амалга ошиrsa, агар мазкур хизматлар Ўзбекистон Республикасининг ташқарисида кўрсатилса, Ўзбекистон Республикаси ҳисобланмайди.

Шунга мувофиқ, мазкур тартиб доирасида хизматлар экспортини амалга оширишда (Солиқ кодексининг 239-моддаси учинчи қисми 1-10-бандларида кўзда тутилган хизматлар бундан мустасно) реализация жойи Ўзбекистон Республикаси ҳисобланмайди ва Ўзбекистон Республикасида ҚҚСга тортилмайди.

Шу билан бирга, мазкур хизматлар реализацияси бўйича оборот солиққа тортиладиган оборот деб тан олинади ва солиқ тўловчилар сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

1.6. Товарлар (хизматлар) реализацияси бўйича оборотлар рўйхати оптималлаштирилмоқда. Жумладан, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган товарларни (хизматларни) бепул бериш товарлар (хизматлар) реализацияси бўйича оборот деб ҳисобланмайди ва ҚҚСга тортилмайди.

Шу билан бирга, оддий ширкат шартномаси бўйича улуш сифатида товарларни (хизматларни) бериш, шунингдек уларни таъсисчилар ёки оддий ширкат шартномаси бўйича иштирокчилар таркибидан чиққанда бериш, бирламчи улуш миқдоридан қатъи назар, ҚҚСга тортилади.

1.7. Улар бўйича оборот ҚҚСдан озод этиладиган операцияларнинг рўйхати қисқартирилган.

Жумладан, 2020 йил 1 апрелдан қўйидаги товарларга (хизматларга) имтиёзлар бекор қилинади:

а) босма маҳсулотлари, грант ҳисобидан сотиб олинадиган товарлар, давлат захирасининг товар-моддий захиралари уларни янгиланишида, инвестор ва давлат мулкларни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тўзилган шартномага мувофиқ инвестицион мажбурият сифатида мулклар ўтказилганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори бўйича тижорат банкларининг ўз ҳисобидан қўрилган қўчмас мулк объектлари;

б) ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш, шу жумладан аэронавигация хизмати, туристик хизматлар, грант ҳисобидан олинган ҳизматлар, давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари, давлат мулкини ижара беришдан хизматлар, оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиш бўйича хизматлар, қатъий миқдорда белгиланган тариф бўйича молиявий хизматлар.

Ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлифида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати 2020 йил 1 январдан ноль ставкасида ҚҚСга тортилади.

Халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича имтиёз қарз битимида кўзда тутилган бўлса, кўлтанилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) ҳисобига юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар) халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан маъқулланган лойиҳалар доирасида 2020 йил 1 июлгача ҚҚС ва акциз солиғига тортилмайди.

Бунда 2020 йил 1 январдан бошлаб қўйидаги янги имтиёзлар киритилмоқда:

а) ишловчилари умумий сонининг камидаги 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат бўлган ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камидаги 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан реализация қилинадиган товарлар ва хизматлар

б) товарларни (хизматларни), агар товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бепул амалга оширилса;

в) қимматбаҳо металлардан ишланган банк ва ўлчовли қўймаларини, қимматбаҳо металлардан ишланган қўйма (инвестиция) тангаларни (нумизматика мақсадлари учун фойдаланиладиган тангалардан, шунингдек қимматбаҳо металлардан ишланган чет эл тангаларидан ташқари), заргарлик буюмлар;

г) бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йиллик минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари доирасида кўрсатиладиган геология хизматлари.

1.8. Реализация қилинадиган товарлар (хизматлар) шу жумладан уларни текин беришда таннархга боғланган ҚҚС бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашнинг эскирган усуллари бекор қилинмоқда. Бунинг ўрнига, уларнинг бозор қиймати бўйича солиқ солиш назарда тутилмоқда.

Бунда, товарлар (хизматлар) текинга бериш, агар бундай ўтказиб бериш иқтисодий жиҳатдан асослантирилган бўлса, товарларни текин бериш (хизматлар кўрсатиш) солиқка тортиладиган айланма сифатида қаралмайди.,

Лизинг операциялари учун солиқ солинадиган базани аниқлаш тартиби сақланиб қолинмоқда, унга мувофиқ Солиқ кодексининг 246-моддасига биноан солиқ солишдан озод қилинган технологик ускуналар (ускуналар) молиявий ижарага (лизингга) берилганда, солиқ солинадиган база ушбу ускунани сотиб олиш нархи ва сотиш баҳоси ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиқкан ҳолда аниқланиши тартиби сақланиб қолинмоқда.

1.9. Солиқ кодексида ҚҚСнинг ноль ставкасини кўллаш бўйича халқаро ҳуқуқни имплементация қилиш назарда тутилмоқда. Масалан, дипломатик корпус ва унинг ходимлари расмий фойдаланиш учун товарлар (хизматлар) сотиб олишда тўланган ҚҚСни қайтариб олиш имкониятига эга.

1.10. Узоқ муддатли активлар бўйича бир марталик ҳисобга олиш, яъни хўжалик юритувчи субъектлар узоқ муддатли активлар бўйича уларни сотиб олишда ҚҚСни айланма маблағлардан фойдаланишни чекловчи 12 ва 36 ойлик даврларга ажратмасдан, тўлиқ ҳисобга олиши мумкин.

Бунда, сотиб олинган узоқ муддатли активлар бўйича ҳисобга олинмаган ва 2020 йил 1 январдан 4410 “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (турлари бўйича)” дебети бўйича ҚҚС суммаси 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлар бўйича)” дебетига тўлиқ ҳисобга олинади. Ушбу қоида факат 2019 йилда сотиб олинган узоқ муддатли активларга нисбатан кўлланилади (ҚҚС бўйича ҳисобга олиш ҳуқуки 2019 йил 1 январдан кейин берилган).

1.11. ҚҚС тўловчилари тоифасига ўтганда, шунингдек солиқ имтиёзлари бекор қилинган тақдирда, солиқ тўловчи ҚҚС миқдорини факат сўнгти 12 ой ичида сотиб олинган ТМЗ қолдиқларига ҳисобга олиш ҳукуқига эга бўлади. Узоқ муддатли активлар бўйича ҚҚС, солиқ қийматини ўз ичига олган қайта баҳолашни ҳисобга олмаганда, уларнинг баланс (қолдик) қийматига қараб белгиланади.

Масалан, 2019 йилда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан тушган даромаднинг чекланган миқдорини оширган солиқ тўловчи 2020 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС тўлашга ўтади.

2020 йил 1 январ ҳолатига кўра ушбу солиқ тўловчининг омборида 1,4 миллиард сўмлик товарлар захиралари мавжуд, улардан 233,3 миллион сўм ҚҚС қийматига тўғри келади.

Ушбу қолдиқларнинг 600 миллион сўмлик қисми (шу жумладан, 100 миллион сўмлик ҚҚС) 2017 йилда сотиб олинган, қолган 800 миллион сўм (ҚҚС билан 133,3 миллион сўм) 2019 йил март ойида сотиб олинган.

Янги қоидаларга кўра, ушбу солик тўловчи 2020 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС тўлашга ўтишда, 2019 йилда сотиб олинган қолдиқларга тўғри келадиган 133,3 миллион сўм солиқни ҳисобга олиши мумкин (яъни охирги 12 ой ичида).

1.12. ҚҚС ҳисобга олишни қўллаш шарти - ҚҚС тўловчиси сифатида тегишли рўйхатдан ўтказиш маҳсус ҳисобга олиш рақамини олиш сақланиб қолинади.

Бунда, солик тўловчилар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун сотиб олинмаган товарлар бўйича ҳисобга олишлари мумкин эмас, хусусан:

енгил автомобиллар, мотоцикллар, вертолётлар, моторли кемалар, самолётлар, шунингдек бошқа турдаги автотранспорт воситалари ва улар учун ёқилғи;

алкогол ва тамаки маҳсулотлари.

Ҳисобга олишга шунингдек, вакиллик харажатларига тўғри келадиган ҚҚС суммалари киритилмайди.

1.13. ҚҚС ставкалари 15 фоиз ва ноль ставкада сақланиб қолинади.

1.14. Солик даври бир ой. 2020 йилдан бошлаб ҚҚС бўйича солик ҳисоботлари солик органларига ортиб бормайдиган якун билан тақдим этилади.

Солик ҳисоботини тақдим этиш ва ҚҚС тўлаш ҳар ойда - ўтган солик давридан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Солик агентлари ҳам шу муддатлардасолик ҳисоботларини тақдим этадилар ва солиқни тўлайдилар.

1.15. Ортиқча ҚҚСни қайтариш нафақат ноль ставка бўйича солик солинадиган оборотлар учун, балки ҚҚСнинг умумий қоидаларини қўллаш натижасида юзага келган операциялар учун ҳам жорий этилади. Бунда, умумбелгиланган тартибда қайтариш муддати 60 кунни ташкил қиласди.

Ҳисобга олинган ҚҚС суммасининг ҳисобланган солик суммасидан ошиб кетиши натижасида келиб чиқсан ҚҚС миқдорини қайтариш 2020 йил 1 июлдан бошлаб амалга оширилади (ушбу қоида ҚҚС бўйича ноль ставкани қўллаган солик тўловчиларга нисбатан қўлланилмайди).

Солик тўловчиларнинг алоҳида тоифаси учун ҚҚСни қайtаришнинг 7 кун ичида тезлаштирилган тартиби тақдим этилади (йирик солик тўловчилар, экспорт қилувчилар, банк кафолатини тақдим этган солик тўловчилар, хорижий дипломатик ваколатхоналар, маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим қатнашчилари, солик мониторинги иштирокчилари).

Шу билан бирга, хорижий дипломатик ваколатхоналар ва маҳсулот тақсимотига оид битим тарафлари (шартномада шундай шартларни ҳисобга

олган ҳолда) томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) ҚҚС билан реализация қилинади, кейинчалик улар харидор томонидан қайтарилади.

Бунда, ҚҚС ни қайтариш хорижий дипломатик ваколатхоналарга ва маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимнинг томонларига (шартномада шундай шартларни ҳисобга олган ҳолда) 2020 йилда сотиб олинган товарлар (хизматлар) учун 2020 йил 1 январдан амалга оширилади.

1.16. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларга чет эл компаниялар томонидан тақдим этиладиган электрон хизматларга солиқ солиш тартиби жорий этилмоқда.

Агар электрон хизматлар воситачиларни жалб қилган ҳолда чет эл компаниялар томонидан амалга оширилса, жисмоний шахслар билан ҳисобкитобларни амалга оширадиган чет эл компанияларининг воситачиларига ҚҚС бўйича солиқ мажбурияти юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахсларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалар орқали фаолият кўрсатувчи юридик шахслари бўлган Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига электрон хизматларни тақдим этишда ҚҚС бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши шундай хизматларни сотиб оловчиларга юклатилади.

2. Фойда солиғи бўйича:

2.1. Куйидагилар фойда солиғи тўловчилари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари бўлган юридик шахслар;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширадиган ҳамда манбалардан даромадлар оловчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар;

солиқ тўловчилар консолидациялашган гурухининг масъул иштирокчилари бўлган юридик шахслар;

солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлган ёки ўз ихтиёри билан фойда солиғини тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар;

оддий ширкат шартномаси доирасида амалга ошириладиган фаолият бўйича оддий ширкатнинг ишончли шахслари.

2.2. Айланмадан солиқ тўловчи шахслар фойда солиғи тўловчилари ҳисобланмайди.

2.3. Куйидаги имтиёзлар 2020 йил 1 апрелдан бекор қилинади:

а) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари учун;

б) қуйидаги фаолият турлари амалга оширилганда олинган фойда қисми бўйича:

протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан;

шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан;

моддий маданий мерос объектларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан.

2.4. Қуидаги даромадларга солиқ имтиёзлари сақланиб қолинмоқда:

давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг халқаро облигациялари бўйича даромадлар;

Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси.

2.5. Заарларни тақсимлаб кўчириш муддати 5 йилдан 10 йилга, заарларни тақсимлаб кўчириш чегаравий миқдори солиқ солинадиган базанинг 50 фоиздан 60 фоизгача ўсган.

Шу билан бирга, 2020 йил 1 январга қадар солиқ тўловчи кўрилган заарларни ушбу заар кўрилган солиқ давридан кейинги беш йил ичида келгусига тақсимлаб ўтказишни амалга оширишга ҳақлидир. Тақсимлаб ўтказилаётган заарнинг ҳар бир навбатдаги солиқ даврида ҳисобга олинадиган жами суммаси жорий солиқ даврининг ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2.6. Банклар, цемент ва полиэтилен гранулаларни ишлаб чиқарувчир ҳамда уяли алоқа операторлари учун солиқ ставкаси 20 фоиз миқдорида сақланган. Бозор ва савдо комплексларида 20 фоиз миқдорида солиқ ставкаси қўлланилади.

2.7. Фойда солиги бўйича қуидагиларга 0 фоиз миқдорида ставка ўрнатилган:

ўзи ишлаб чиқарган ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойдаси бўйича қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи корхоналари учун. Бунда, реализация қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 90 фоиздан ортиқ ташкил этилиши лозим;

ижтимоий соҳалар учун;

Бюджет ташкилотлари учун. 2023 йил 1 январгача ходимларни моддий рафбатлантиришга ҳамда моддий-техник ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга максадли ишлатиш шарти билан қўшимча манбалардан олинган даромадларга ноль ставка миқдорида қўлланилиши қўзда тутилган.

Товарларни (ишларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойдаси учун. Экспортдан олинган даромад 15 фоиздан кам бўласлиги лозим.

Бунинг учун экспорт кунидан 180 кунгача кечиктирмай экспорт ва даромадлар тушишини хужжатли тасдиқланиши талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрда ПФ-5587-сон фармони билан тасдиқланган рўйхатдаги хом-ашё товарлар ҳамда халқаро йўналишда ташиш (автотранспортдан ташқари), қувур ва газ қувури бўйича ташиш учун ноль миқдорда ставка қўлланилмайди.

2.8. Электрон савдо фаолиятини амалга оширувчи корхоналар учун 7,5 фоиз миқдорида камайтирувчи ставкалар ўрнатиласяпти. Бунда, электрон савдо ҳажми 90 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

2.9. Бошқа солиқ тўловчилар учун 15 фоиз миқдорида ставка ўрнатилган.

2.10. Олдин солиққа тортилган даромадларни ҳисобга олиш механизмини жорий этган ҳолда дивидендларни каскадли солиққа тортилиши бекор қилинмоқда.

2.11. Харид қилиш учун йўналтирилган маблағларни солиқ солинадиган базадан камайтириш имтиёзини бекор қилган ҳолда технологик ускуналар ва кўчмас мулк обьектларни харид қилиш даврида амортизация ажратмаларни бир йўла ҳисобга олиш тартиби жорий қилинмоқда.

2.12. Чораклик солиқ ҳисоботларини – ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20 кунидан кечиктирмай ҳамда йиллик солиқ ҳисобларини – солиқ даври ўтгандан кейинги йилнинг 1 мартадан кечиктирмай тақдим этилади.

Жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун 5 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар томонидан солиқни тўлаш солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади, 5 миллиард сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнак тўловларини ҳисобот даври ҳар бир ойнинг 23 кунидан кечиктирмай тўлайди.

Солиқ органи томонидан бўнак тўлови суммасини олдинги солиқ даври учун ҳисобланган жами даромаддан келиб чиқкан ҳолда ҳисобланади, биринчи чорагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнак тўловининг суммаси ўтган солиқ даврининг охирги чорагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнак тўлови суммасига teng этиб қабул қилинади. Жорий тўловлар учун маълумотнома тақдим этилмайди.

2020 йил 1 чорак учун фойда солиғи бўйича бўнак тўловлар қўйидаги тартибда аниқланади ва тўланади.

2019 йил 9 ойлик жами даромад суммаси 9 га бўлиниб ва 12 га кўпайтирилганда 5 миллиарддан ошган солиқ тўловчилар 2020 йил 23 январь, 2020 йил 23 февраль ва 2020 йил 23 мартдан кечиктирмай тўланиши лозим бўлган бўнак тўлов суммасини мос равишда 2019 йил 10 октябрь, 2019 йил 10 ноябрь ва 2019 йил 10 декабрда ҳисобланган бўнак тўлови миқдорида ҳисоблайдилар. Бунда жами даромад молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот сатрлари йиғиндисидан аниқланади:

- маҳсулот реализациясидан соф тушум (товар, хизмат ва ишлар) (010-сатр);

- асосий фаолиятидан бошқа даромадлар (090-сатр);

- молиявий фаолиятдан даромадлар (110-сатр).

2.13. Солиқ агентлари томонидан тўланган фоизлар 2020 йил 1 январдан бошлаб даромад олувчилярнинг жами даромади таркибига киради ва Солиқ кодесида белгиланган тартибда солиққа тортилади, бундан нотижорат ва бюджет ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари - жисмоний ва юридик шахслар мустасно.

2.14. Солиқ кодексга мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини танлашга ҳақли.

Якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклдаги билдиришномани қўйидаги муддатларда тақдим этади:

1) янгидан рўйхатдан ўтказилганлар – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бошлангунига қадар;

2) фойда солигини тўлашга ўтганлар, шу жумладан ихтиёрий равишда ўтганлар – бир вақтнинг ўзида фойда солигини тўлашга ўтиш тўғрисидаги билдиришномани солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига юборганда;

3) қолганлари – жорий йилнинг 25 январидан кечиктирмай.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 2020 йил 1 январдан бошлаб солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун 2020 йил 1 февралдан кечиктирмай солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига билдиришнома тақдим этилиши лозим.

3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича:

3.1. Жисмоний шахсларнинг алоҳида тоифаларининг (якка тартибдаги тадбиркорлар, ҳунармандлар, оиласи тадбиркорлик субъектлари аъзолари) қатъий белгиланган солиқни тўлаш ўрнига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлаши кўзда тутилган. Шу билан бирга, уларга йиллик даромад декларацияси асосида солиқ тўлашни танлаш ҳуқуқини бериш режалаштирилган. Бунда “Хунарманд” уюшмаси аъзоси бўлган ва ҳозирда қатъий белгиланган солиқни тўлашда имтиёзларга эга бўлган ҳунармандлар учун, ҳунармандчилик маҳсулотларини (товарлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича даромад солигини тўлашдан озод қилишни назарда тутадиган имтиёзли солиқ тартиби амал қиласди.

3.2. Жисмоний шахсларнинг жами даромадларини аниқлаш тартиби қайта кўриб чиқилмоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда жисмоний шахснинг жами даромадига киритилган ва кейинчалик солиқ солинадиган базани

аниқлашда чегирилган (пенсия, стипендия, ижтимоий нафақа, алимент ва бошқалар) даромадларнинг айрим турлари, 2020 йил 1 январдан бошлаб солик тўловчининг жами даромадларига киритилмайди.

Бундан ташқари, жисмоний шахснинг банк ҳисобварағига ўтказилган пул маблағлари ва нақд пул кўринишидаги даромадлар ва (ёки) ташкилотнинг содиқлик дастурида жисмоний шахснинг иштирок этиши натижасида олинган ташкилот томонидан товарлар ва (ёки) хизматларнинг тўлиқ ёки қисман тўланадиган даромадлар солик тўловчининг даромади ҳисобланмайди.

3.3. 2019 йилда амал қилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари сақланиб қолинади:

а) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахслар:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг асосий ставкаси – 12 фоиз. Дивиденdlар ва фоизлар кўринишидаги даромадларга 5 фоиз миқдорида солик солинади;

б) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний шахслар учун:

дивиденд ва фоизлар – 10%;

халқаро юқ ташишдаги транспорт хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар (юқ ташишдан олинадиган даромадлар) - 6%;

мехнат шартномалари ва фуқаролик-хуқуқий шартномалар бўйича олинган даромадлар, бошқа даромадлар - 20%.

3.4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларни қўйидаги йўллар билан оптималлаштириш режалаштирилган:

а) Ўзбекистон Республикасида ҳаётни узок муддатли суғурта қилиш, шунингдек ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга суғурта мукофотларини тўлаш учун ажратилган маблағлар бўйича имтиёзлар бериш тартибини қайта кўриб чиқиши (солик даври давомида солик чегирмаларининг максимал миқдори белгиланади);

б) таълим тўловлари учун ажратилган маблағ (ўзи ёки унинг йигирма олти ёшгача бўлган болалари учун), шунингдек, йигирма олти ёшга тўлмаган турмуш ўртоғи учун тўловлар бўйича тақсимланиши;

в) солик тўлашдан озод қилиш тарзидаги айрим имтиёзларнинг бекор қилиниши:

хусусий корхона эгаси, оилавий корхона аъзоси ва фермер хўжалиги раҳбари ихтиёрида қолган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлардан кейинги фойда миқдори;

мехнат шартномаси бекор қилинганда энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдорида тўланадиган таътил нафақаси;

ихтиёрий равища тутатилган хўжалик юритувчи субъект - юридик шахсга ўз мажбуриятларини бажариш учун йўналтирилган юридик шахс таъсисчилари (қатнашчилари) даромадларининг миқдори;

акциядорлик жамиятларининг чет эллик ишчиларининг бошқарув кадрлари сифатидаги фаолиятидан олган даромадлари;

г) концерт ва кўнгилочар фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар учун - ушбу фаолиятдан олинган даромадлар бўйича солиқ имтиёzlари бекор қилиниши; шунингдек, якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлганлар - якка тартибдаги тадбиркор билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича ишларни бажаришдан олган даромадлари бўйича;

3.5. Солиқлар суммаси ва меҳнат ҳақининг энг кам миқдорини аниқлашда ишлатиладиган базавий ҳисоблаш миқдори кўрсаткичининг жорий этилиши муносабати билан энг кам иш ҳақининг бир каррали миқдрларида белгиланган имтиёzlар мос равища базавий ҳисоблаш миқдори ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига қайта қўриб чиқилади.

3.6. Жисмоний шахсларнинг алоҳида тоифасини қатъий белгиланган солиқ ўрнигага жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш ва уларга йиллик умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисбот асосида солиқ тўлашни танлаш ҳуқуқини бериш муносабати билан:

қатъий белгиланган солиқ тўлови хусусиятлари назарда тутилган (якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ суммалари Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги Давлат бюджети тўғрисида” ги Қонуни билан тасдиқланган);

улар томонидан йиллик жами даромадлар тўғрисидаги декларация асосида солиқ тўлаш тартиби батафсил баён қилинмоқда (мулкни ижарага беришдан даромад оладиган жисмоний шахслар сингари дастлабки декларацияни топшириш тартиби).

3.7. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисботини ҳар ойнинг 15-кундан кечиктирмасдан топшириш муддатларини бирлаштиришни назарда тутади. Бу ҳолда, солиқ агенти томонидан ҳисобланган солиқ суммасини тўлаш жисмоний шахсга даромадни тўлаш билан бир вақтда, **солиқ ҳисботини топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга ошириладиган тартиб белгиланади.**

3.8. Ходимлари сони 25 нафардан ортиқ бўлган филиаллар ва алоҳида бўлинмаларнинг ушбу бўлинмалар ва филиаллар ходимлари юзасидан солиқ ҳисботларини **мустакил равища** бундай филиаллар ва алоҳида бўлинмалар рўйхатга олинган жойдаги солиқ органига тақдим этиш ва тегишинча ҳисобланган солиқ суммаларини тўлаш назарда тутилмоқда. ,.

3.9. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун декларация асосида ёки белгиланган миқдорда солиқни танлаш ва тўлаш учун қуийдаги тартиб ўрнатилди.

1) Умумий қоидалар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририга биноан якка тартибдаги тадбиркорлар – календар йилида товарларни (хизматларни) сотишдан олинган даромади 100 миллион сўмдан ошмайдиган жисмоний шахслар даромад солиғини тўлаш тартибини танлаш ҳукуқига эга:

тегишли фаолият тури учун белгиланган миқдорда;

умумий белгиланган 12 фоиз ставкаси бўйича олинган ҳақиқий даромад асосида йиллик умумий даромад декларацияси асосида.

Танлаш қуийдаги йўллар билан амалга оширилади:

тадбиркорлик субектини давлат рўйхатидан ўтказишида танланган солиқ тўлаш тартибини кўрсатган ҳолда;

танланган солиқ тўлаш тартиби тўғрисида хабарни доимий яшаш жойидаги солиқ органларига жорий йилнинг 25 январидан кечиктирмасдан тақдим этиш орқали.

Жисмоний шахс томонидан белгиланган муддатда хабарнома тақдим этилмаганлиги унинг солиқни қатъий белгиланган миқдорда тўлашга розилигини билдиради.

Агар якка тартибдаги тадбиркорнинг солиқ давридаги товарларни (хизматларни) сотишдан олган даромади 100 миллион сўмдан ошса, лекин бир миллиард сўмдан ошмаса, у айланмадан солиқ тўловчиси деб эътироф этилади. Бунда товарларни импорт қилувчи якка тартибдаги тадбиркорларга айланмадан солиқ қўлланилмайди.

Солиқ даврида товарлар (хизматлар) сотишдан олинган даромадлари бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар қўшилган қиймат солиги ва даромад солиғини тўлашга ўтмоқдалар.

Якка тартибдаги тадбиркор ихтиёрий равишда даромад солиги ва ККС тўлашга ўтишга ҳақли.

2) Йиллик умумий даромад декларацияси асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш.

Йиллик умумий даромад декларацияси асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тартибини танлаган якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадига 12 фоиз миқдорида солиқ солинади.

Йиллик умумий даромад декларацияси асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тартибини танлаган якка тартибдаги тадбиркорлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлик бўлган ҳақиқатдан амалга оширилган ва ҳужжатлаштирилган харажатларни даромаддан ушлаб қолиш ҳукуқига эга.

Солиқ ҳар ой даромад олинган ойдан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунигача тўланади, бунга қуидагилар асосланади:

- тақдим этилган дастлабки декларация;
- солиқ органининг хабарномаси.

Дастлабки декларация жорий йилнинг 1 февралидан кечиктирмай тақдим этилади. Янги рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субектлари дастлабки декларацияни хўжалик юритувчи субектни давлат рўйхатидан ўтказиладиган ойнинг охиригача топширадилар. Йил сўнгида йиллик солиқ суммаси олинган ҳақиқий даромадга кўра ҳисобланади. Декларация доимий яшаш жойидаги солиқ органига ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай топширилади. Декларация бўйича солиқ суммаси билан йил давомида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ солиқ тўловчиidan ундирилади ёки кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай унга қайтарилади.

3) ЖШДСни қатъий белгиланган миқдорда тўлаш.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият турлари бўйича 2020 йил учун ЖШДСнинг қатъий белгиланган суммалари “Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги Давлат бюджети тўғрисида”ги 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сонли Қонуни билан тасдиқланган (13-илова).

Қатъий белгиланган солиқ суммаси ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти олиб борилган ойнинг ўн бешинчи қунидан кечиктирмай тўланади.

Бир нечта фаолият турлари билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар ҳар бир фаолият тури учун солиқ суммасини ушбу фаолият турлари учун белгиланган миқдорда тўлашади. Якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахсни ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6 - сон қарорига 1-иловада келтирилган.

Жисмоний шахслар даромадларининг бошқа турлари билан бир қаторда, қатъий белгиланган миқдордаги солиқ тўлаш амалга ошириладиган фаолиятдан олинган даромадлари учун алоҳида ҳисоб юритилади. Ушбу даромадлардан олинадиган солиқ йиллик умумий даромад тўғрисидаги декларация асосида тўланади.

4) Якка тартибдаги тадбиркорнинг бошқа даромадларидан ЖШДС тўлаш.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қуидаги даромад турлари бўйича йиллик умумий даромадлар тўғрисидаги декларация асосида тўланади:

а) 12 % ставкада:

солиқ агентида солиқ солинмайдиган мулкий даромадлар;

солиқ агентида солиқ солинмайдиган моддий наф тарзидаги даромадлар;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридағи манбалардан олинган даромадлар;

солиқ агенти бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

б) илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва ундан фойдаланганлик учун олинган жисмоний шахсларнинг даромадлари ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва хужжатлаштирилган ҳақиқий харажатларни чегириб ташлаш ҳуқуқи билан 12 фоизлик ставка бўйича даромад солиғи солинади, аммо олинган ялпи даромад суммасининг 30 фоизидан кўп бўлмаган микдорда.

в) дивиденд ва фоизлар кўринишидаги даромадларга 5% ставкада солиқ солинади.

5) Якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш мажбурияти.

Якка тартибдаги тадбиркорлар тасдиқланган шаклларда даромад олиш билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишлари шарт. Савдо фаолияти бўйича солиқ солинадиган даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш даромадлар ва амалга оширилган товар операциялари ҳисобини юритиш реестрларида юритилади. Улар:

а) чакана савдо билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорнинг солиқ солинадиган даромадлари ва товар операцияларини ҳисобга олиш китоби;

б) маҳсулот чеклари китоби.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг аризаси асосида якка тартибдаги тадбиркорнинг солиқ ҳисобини олиб бориш жойидаги солиқ хизмати органи даромадлар ва товар операциялари ҳисобини юритиш реестрларини рўйхатдан ўтказади. Улар якка тартибдаги тадбиркорда маълумот охирги киритилган кундан бошлаб беш йил давомида сақланади ва рақамланган, ип билан боғланган ва тегишли солиқ органининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисботлар ҳар чорак якунлари бўйича солиқ ҳисботини юритиш жойидаги солиқ органларига ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг ўнинчи қунидан кечиктирмай тақдим этилади.

4. Ижтимоий солиқ бўйича:

4.1. Грантлар ҳисобидан олинадиган иш ҳақи қўринишидаги даромадлар, шунингдек, бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган акциядорлик жамиятларининг чет эллик ишчиларга бериладиган имтиёзлар бекор қилинмоқда.

4.2. Ижтимоий солиқ ставкаси давлат корхоналарига, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга, шунингдек

устав фондида 50 ёки ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган юридик шахсларга ва уларнинг таркибий бўлинмаларига нисбатан 25 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди.

4.3. Жисмоний шахсларнинг алоҳида тоифаси учун энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларида ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкалари базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқкан ҳолда қайта кўриб чиқилади.

Жисмоний шахсларнинг кўрсатилган тоифасига жисмоний шахсларга декларация асосида йиллик даромадидан ижтимоий солиқни умумбелгиланган ставкада жисмоний шахслар даромад солигига ўхшаш ҳолда тўлаш хуқуки берилади.

4.4. Ижтимоий солиқни йиллик ялпи даромад тўғрисидаги декларация асосида ихтиёрий асосда ҳисоблашва тўлаш тартиби назарда тутилмоқда.

5. Айланмадан олинадиган солиқ бўйича:

5.1 Ягона ер солиғини бекор қилиш ва солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаси учун ҚҚСни мажбурий тўлаш киритилишини ҳисобга олган ҳолда, айланмадан солиққа тортилмайдиган шахслар рўйхати қайта кўриб чиқилмоқда. Шу сабабли, қуйидаги шахслар айланмадан олинадиган солиқни қўллашга ҳақли эмаслар:

солиқ даврида товарлар (хизматлар) сотишдан олинган даромадлари 1 миллиард сўмдан ошган амалдаги юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

солиқ даврида товарлар (хизматлар) сотишдан олинган даромадлари 100 миллион сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар;

товарларни импорт қилувчилар - импорт шартномаси тузилгандан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб;

акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчилар ва (ёки) фойдали қазилмалар қазиб олиш билан шуғулланувчилар;

50 гектар ва ундан ортиқ суғориладиган ер майдонлари бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари - қишлоқ хўжалиги ерлари олинган кундан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб;

бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қиласидиган юридик шахслар - ушбу фаолият бошланганидан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб;

лотереяни ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

оддий шериклик шартномаси доирасидаги фаолият бўйича ишончли вакиллар;

Инвестиция лойиҳасини амалга оширилмаганлиги тўғрисида хulosса бериш ваколатига эга орган томонидан хulosча чиқарилган тугалланмаган қурилиш обьектлари ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари

эгалари. Улар қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини хулоса чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўлашга ўтишлари шарт;

марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан обьектлар қурилиш ишларини бажарувчи корхоналар (жорий таъмирлаш ва капитал таъмирлашдан ташқари). Улар бундай қурилиш шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб қўшилган қиймат ва фойда солиғини тўлашга ўтишга мажбурдирлар.

5.2. Айланмадан олинадиган солиқ тўлаш татбиқ қилинмайдиган шахслар 2020 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўловчилари деб эътироф этилади. Бундай шахслар 2020 йил 1 февралига қадар солиқ органларини ушбу солиқларни тўлашга ўтиш тўғрисида хабардор қилишга мажбур.

Юқорида кўрсатилган муддатларда хабарнома тақдим қилинмаса солиқ органлари мустақил равишда ушбу шахсни қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўловчиси сифатида бир вақтнинг ўзида қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида маҳсус ҳисобга олиш рўйхатдан ўтказишни амалга оширади.

Худди шундай қоидалар 2019 йилда тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган шахсларга нисбатан қўлланилади, уларнинг умумий даромади 2019 йил охирига қадар бир миллиард сўмга teng бўлган суммадан ошиб, 365 га бўлинган ва рўйхатга олинган кундан бошлаб 2019 йил охиригача кунлар сонига кўпайтирилади.

5.3. Айланмадан солиқни қўллаш учун максимал йиллик айланмаси 1 млрд. сўм миқдорида сақланиб қолинди. Шу билан бирга, айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан фойда солиғи ва ҚҚС тўлашга ўтиш тартиби батафсил баён этилган.

5.4. Узоқ технологик циклда - қурилишда, лойиҳалаш ва бошқа ишларда, агар тузилган шартномалар шартларида хизматларни босқичма-босқич топшириш кўзда тутилмаган бўлса, сотишдан тушган даромад teng равишда тан олинади.

Ҳисобот даври охиридаги даромадни аниқлаш учун:

биринчи навбатда, контрактни бажаришни бошидан бошлаб қилинган харажатларнинг улуши шартномани бажариш харажатларининг умумий миқдорида ҳисобланади;

кейин олинган кўрсаткич контракт бўйича даромадининг умумий суммасига (контракт нархига) кўпайтирилади.

Жорий ҳисобот даври учун хизматларни реализация қилишдан олинган даромадни аниқлашда ушбу шартнома бўйича илгари ҳисобга олинган даромадлар чегириб ташланади.

5.5. 2019 йилда амалда бўлган айланмадан солиқ ставкалари сақланиб қолинмоқда, мол-мулкни ижарага бериш фаолияти бундан мустасно. Ушбу

фаолият тури бўйича солиқ ставкасини 30 фоиздан 8 фоизга тушириш назарда тутилмоқда.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага бериш бўлмаган юридик шахслар мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича Солиқ кодексининг 467-моддаси 1-бандида белгиланган солиқ ставкасини қўллаган ҳолда айланмадан солиқни тўлайдилар.

5.6. Барча солиқ тўловчилар учун солиқ ҳисоботини тақдим этишининг унификациялашган муддати белгиланмоқда:

ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай - ҳисобот даври якунлари бўйича;

солиқ даври тугаган кейинги даврнинг 15 февралидан кечиктирмай - солиқ даври якунлари бўйича.

6. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича:

6.1. Мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун мол-мулк солиғини мустақил равишда ҳисоблаб чиқариш мажбурияти жорий этилмоқда.

6.2. Солиқ ставкаси 2 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда, қурилиши норматив муддатда тугалланмаган объектларга нисбатан солиқ ставкаси 4 фоиз миқдорида белгиланмоқда.

Бунда бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, нотурап-жой бинолар, шунингдек қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича қонун ҳужжатларида оширилган солиқ ставкаларини белгилаш орқали чоралар қўлланилиши мумкин ва мол-мулк солиғи бўйича солиқ имтиёзлари уларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

Кўйидаги кўчмас мулк объектларига нисбатан илгари берилган имтиёзлар ўрнига 0,2% миқдорида пасайтирилган солиқ ставкаси жорий этилмоқда:

умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг консервация қилиш тўғрисида қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва қурилиши тугалланмаган объектлар.

6.3. Ўз вақтида ишга туширилмаган ускуналар солиқ солиш объектидан чиқариб ташланмоқда.

Қурилиш ташкилотларининг ёки қурувчиларнинг балансида уларни кейинчалик сотиш учун ҳисобида турган кўчмас мулк объектлари ушбу объектлар фойдаланишга топширилгандан бошлаб олти ой ўтгандан сўнг солиқ солиш объектига киритилмоқда. Улар бўйича солиқ базаси ушбу

объектларнинг ўртача йиллик қийматидан (реализация қилинмаган қисмидан) келиб чиқиб аниқланади.

6.4. Тўлиқ амортизация қилинган биноларга ҳар уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган қайта баҳолангандан (бозор) қийматидан келиб чиқиб мол-мулк солиги солиниши белгиланмоқда.

6.5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сақлаш учун ишлатиладиган, қишлоқ хўжалиги корхоналари балансидаги мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига солик солинадиган базани камайтириш кўринишида мол-мулк солиги бўйича имтиёз жорий этилмоқда.

6.6. Солик ҳисботи солик ҳисботини юритиш жойидаги солик органига йилига бир марта йиллик молиявий ҳисботни тақдим этиш пайтида юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан эса ҳисбот давридан кейинги йилнинг 15 февралигача тақдим этилади.

Агар кўчмас мулк (умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистрал кувурлар, алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари бундан мустасно) солик тўловчининг солиқни рўйхатдан ўтказиш жойида жойлашган бўлмаса, солик ҳисботи кўчмас мулк жойлашган жой бўйича солик органларига тақдим этилади.

6.8. Аванс тўловлари миқдорини ҳисблаш тўғрисидаги маълумотнома солик органларига жорий солик даврининг 10 январигача, янги ташкил этилганлар эса давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этилади.

Қуйидагилар томонидан аванс тўловлари тўланади:

айланмадан олинадиган солик тўловчилари томонидан - ҳар чоракнинг учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай йиллик солик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида;

айланмадан олинадиган солик тўловчилари бўлмаган солик тўловчилар томонидан - ҳар ойининг 10-кунидан кечиктирмай йиллик солик суммасининг ўн иккidan бир қисми миқдорида.

Аванс тўловлари Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалар орқали фаолиятни амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар томонидан тўланмайди.

Аванс тўловларини ҳисбага олган ҳолда солик даври учун тўланиши лозим бўлган солик суммаси бюджетга солик ҳисботини топшириш муддатидан кечиктирмай тўланади.

Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари солиқни йилига бир марта ҳисбот давридан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай тўлайдилар.

7. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик бўйича:

7.1. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақланади. Бунда, солиқ янги бинолар, жойлар ва иншоотларга мулк ҳуқуқи пайдо бўлган ойдан бошлаб тўланади.

7.2. Солиқ ставкалари 2019 йил даражасида сақлаб қолинди.

Бунда 2020 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда, кадастр қийматидан солиқ суммаси 2019 йил учун ҳисобланган солиқ миқдоридан 30 фоиздан қўпга ошмаслиги керак.

7.3. Солиқ органи томонидан солиқ тўловчиларга тўловларни тўлаш тўғрисида билдиришнома тақдим этиш муддати 1 мартдан кечиктирмай белгиланади.

7.4. Солиқни тўлаш муддати йилига икки марта 15 апрель ва 15 октябргача тенг улушларга бўлиб белгиланди.

8. Юридик шахслардан олинадиган ер солиги бўйича:

8.1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматидан келиб чиқсан ҳолда солиқни ҳисоблаш тартиби жорий этилади. Бунда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавот маҳсулотлари билан банд бўлган ерлар учун солиқни суғориладиган ва суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ер солигининг базавий солиқ ставкаси ва ернинг сифат ҳусусиятларини ҳисобга оладиган тузатиш коэффициентидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқариш тартиби сақланади (балл-бонитет).

8.2. 2020 йил учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкалари, шунингдек мева-сабзавот қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ундириладиган ер солиги ставкалари “Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сонли Қонуни билан тасдиқланган.

Қишлоқ хўжалиги ерлари учун солиқ ставкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматидан 0,95 фоиз миқдорида белгиланади.

Қурилиши тугалланмаган ер участкалари учун, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, солиқ икки баравар солиқ ставкалари бўйича тўланади.

Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш обьектлари, турар-жой бўлмаган бинолар, шунингдек қурилиши тугалланмаган қурилиш майдонларига нисбатан қонун ҳужжатларида солиқ ставкаларини белгилаш

орқали таъсир чоралари қўлланилиши мумкин ва солиқ имтиёзлари уларга нисбатан қўлланилмайди.

8.3. Қўйидагилар билан банд бўлган ер участкалари учун солиқ ставкаларига 0,1 коэффициенти қўлланилади:

ногиронларнинг жамоат бирлашмалари ягона иштирокчилари бўлган ва уларнинг умумий сонида ногиронлар камида 50 фоизни ташкил этадиган ҳамда ногиронларнинг иш ҳақи жамғармаси умумий иш ҳақининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар;

электр узатиш линиялари, подстанциялар ва улардаги қурилмалар;

умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат қўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури кутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупроқ қўттармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўллар станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган ихота дараҳтзорлари эгаллаган ерлар;

магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнгинга қарши ва аварияга қарши станциялар, трубопроводларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, трубопроводларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиши скуналари эгаллаган ерлар;

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларига киритилган обьектлар қурилиши учун ажратилган ерлар, норматив қурилиш муддати даврида; консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган обьектлар эгаллаган ерлар, уларнинг консервацияси даврида.

Солиқ ставкаларига 0,1 коэффициенти илгари берилган имтиёзларнинг ўрнига киритилиб, белгиланган тартибда юридик шахсларга берилган ер участкаларига нисбатан қўлланилади.

8.4. Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати яхшиланган (балл-бонитети ошганида) тақдирда, солиқ юридик шахслар томонидан қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан янги балл бонитетидан тупроқнинг бонитировкалаш бўйича ишларни ўтказишдан кейинги йилнинг бошидан бошлаб агротехник тадбирлар тугалланган даврлар учун қайта ҳисобламасдан янги балл-бонитетдан келиб чиқиб тўланади.

8.5. Солиқ ҳисоботи ер участкаси жойлашган жойдаги солиқ органига тақдим этилади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун - жорий солиқ даврининг 10 январигача;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун - жорий солиқ даврининг 1 майигача.

8.6. Солиқ солинмайдиган ер участкалари бўлган юридик шахслар ушбу обьектларнинг жойлашган жойидаги солиқ органларига жорий солиқ даврининг 10 январига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда маълумотнома тақдим этишлари шарт.

8.6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ қўйидаги тартибда тўланади:

Айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар - ҳар чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар йиллик солиқ суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида;

айланмадан олинадиган солиқни тўловчилари бўлмаган солиқ тўловчилар - ҳар ойнинг 10-санасига қадар йиллик солиқ суммасининг ўн иккidan бир қисми миқдорида.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқни тўлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

хисобот йилининг 1 сентябрига қадар – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

хисобот йилининг 1 декабрига қадар – солиқнинг қолган суммаси.

9. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги бўйича:

9.1. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

9.2. Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномасини тақдим этиш муддати 1 мартдан кечиктирмай белгиланади.

9.3. Солиқни тўлаш муддати йилига икки марта 15 апрель ва 15 октябргача тенг улушларга бўлиб белгиланди.

10. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича:

10.1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

10.2. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йил учун 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-иловаси билан тасдиқланган.

2020 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларини (пиво ва винодан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар учун алкоголь маҳсулотларини (пиво ва винодан ташқари) ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича 1 куб метр учун 21 900 сўм миқдорида, бошқа мақсадлар учун эса ер усти сув ресурслари манбалари бўйича 1 куб метр учун 410 сўм ҳамда ер ости

сув ресурслари манбалари бўйича 1 куб метр учун 490 сўм миқдорида белгиланмоқда.

Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юридик шахслар учун алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилган сувнинг ҳажми солик базаси ҳисобланади. Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми деганда истеъмол идишидаги тайёр маҳсулотга тўғри келадиган сувнинг ҳажми тушунилади.

Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик бўйича бўнак тўловлар суммаси тўғрисидаги маълумотнома шакли тасдиқлангунга қадар 2020 йил 20 январгача сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик бўйича сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш жойидаги солик органларига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик бўйича бўнак тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун ушбу қўшма хат иловасига мувофиқ шакл бўйича маълумотнома тақдим этадилар.

Кўйидаги ҳолларда оширилган солик ставкалари ўрнатилади (белгиланган солик ставкаларининг беш бараваридан):

сувдан фойдаланиш учун белгиланган лимитлардан ортиқча сув олинганда (бундай ортиқча қисм бўйича);

сув ресурсларидан рухсат берувчи ҳужжатларсиз фойдаланилганда;

автотранспорт воситаларини ювишни амалга оширувчи корхоналар томонидан ер усти манбаларидан олинган сувдан фойдаланилганда.

10.3. Солик ҳисботини тақдим этиш муддатлари кўплаб солик тўловчилар учун сақлаб қолинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар учун – солик давридан кейинги йилнинг 20 январигача.

10.4. Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш жойидаги солик органларига солик бўйича бўнак тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун маълумотномани тақдим этиш муддати сақлаб қолинмоқда.

Бунда бўнак тўловлар:

солик даврида солик суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан кўпроқни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (бундан айланмадан олинадиган соликни тўловчилар мустасно) – ҳар ойнинг 20 санасидан кечиктирмай йиллик солик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида;

солик даврида солик суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан камроқни ташкил этадиган, айланмадан олинадиган соликни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинадиган

солиқни түловчилар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ҳар чорак учинчи ойининг 20 санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида тўланади.

Солиқ даври учун бўнак тўловлар ҳисобга олинган ҳолда солиқни тўлаш солиқ тўловчилар томонидан, бундан дехқон хўжаликлари мустасно, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида, солиқ ҳисоботи тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади.

Дехқон хўжаликлари томонидан солиқни тўлаш йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майигача амалга оширилади.

11. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича:

11.1. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

11.2. Қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилманинг ҳажми фойдали қазилмаларнинг ҳақиқий йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Фойдали қазилманинг захираси қайси фойдали қазилманинг миқдорига камайтириладиган бўлса, ўша фойдали қазилманинг ҳисобланган миқдори ва фойдали қазилмани қазиб олишнинг (ажратиб олишнинг) тўлиқ технологик цикли якунлангач аниқланган, ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма миқдори ўртасидаги фарқ фойдали қазилманинг ҳақиқий йўқотишларидир.

11.3. Солиқ базаси ишлаб чиқариш таннархини 20 фоизга оширган ҳолда аниқланади.

11.4. Қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг бир қисмини сотища ишлаб чиқариш таннархи, фойдали қазилмаларнинг бошқа қисми эса бошқа тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хом ашё ҳисобланиши ёки ўзининг ишлаб чиқариш ёхуд хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилиши асосида солиқ базасини аниқлаш тартиби бекор қилинди ҳамда ушбу фойдали қазилмага солиқ базасини аниқлаш тартиби қазиб олинадиган фойдали қазилмаларнинг бутун ҳажмига ҳисоблаб чиқарилган фойдали қазилманинг ўртacha сотиши баҳоси асосида аниқланади.

11.5. Солиқ ставкалари Солиқ кодекси билан белгиланган. Фойдали қазилмалар рўйхати янги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аниқланган фойдали қазилмалар (рений, селен, теллур, индий, висмут, палладий, йод, марганец рудалари ва бошқалар) билан тўлдирилган.

Фойдали қазилмаларни қазиб олишда фойдали қазилмаларнинг норматив йўқотишларига тааллуқли қисми бўйича 0 фоизли ставка жорий этилмоқда. Фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) конларда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг қабул қилинган схемаси ва технологиялари билан технологик боғлиқ ҳолдаги, ваколатли орган томонидан қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда тасдиқланадиган нормалар доирасидаги йўқотишлар норматив йўқотишлардир.

Солиқ ставкалари белгиланадиган, лекин бир тонна учун қатъий белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаган фойдали қазилмаларнинг айрим турлари куб метрга ўтказилади.

Мутлоқ суммада белгиланган (хусусан, тош (овқатга ишлатиладиган) туз, оҳактош доломитлар, мармар ушоғи, ғишт-черепица хом ашёси, қурилиш қумлари ва бошқалар) амалдаги солиқ ставкалари 15 фоизга индексация қилинди.

Фойдали қазилмаларнинг айрим турлари учун қатъий белгиланган ставкалардан кам бўлмаган миқдорда (табиий безактошдан блоклар, тош-шағал аралашмаси, оҳактош-чиғаноқ, қумтош ва бошқалар) белгиланган ставкалардан келиб чиқиб солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби белгиланди.

Цемент ишлаб чиқариш учун оҳактош бўйича солиқ ставкаси 1 тонна учун 45 минг сўм миқдорида сақлаб қолинди, цементни ишлаб чиқариш учун кўмирдан фойдаланадиган ишлаб чиқарувчи корхоналар учун эса цементни ишлаб чиқариш учун оҳактош бўйича солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилди.

Қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металларни қазиб олиш билан шуғулланувчи айрим солиқ тўловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан оширилган солиқ ставкалари белгиланиши мумкин.

11.6. Юридик шахслар учун ҳисбот даври бир ой этиб белгиланган.

11.7. Солиқ ҳисботи солиқ ҳисобида турган жойдаги, норуда фойдали қазилмалар бўйича эса – қазиб олиш амалга оширилган жойдаги солиқ органларига қўйидаги муддатларда тақдим этилади:

юридик шахслар томонидан – ортиб борувчи якун билан ҳар ойда, ҳисбот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисбот тақдим этиладиган муддатда;

жисмоний шахслар томонидан – йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай.

Солиқни тўлаш қўйидаги амалга оширилади:

юридик шахслар томонидан – ҳар ойда кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисбот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай;

жисмоний шахслар томонидан – солиқ ҳисботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай.

11.8. Кўшимча фойда солиғи бекор қилинди.

12. Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун солиқ солишининг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ кодексида қўйидагилар кўзда тутилган:

12.1. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар иштирокидаги юридик шахсларга солиқ солишининг ўзига хос хусусиятлари, бунда

белгиланган юридик шахсларга солиқ солиш шартлари ва уларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тартиби кўзда тутилган.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда ташкил этилган ва рўйхат асосида иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)га ихтисослашган юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган муддатга, киритган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажмидан келиб чиқиб, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлашдан озод этилган.

12.2. Маҳсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига солиқ солишининг ўзига хос хусусиятлари, бунда уларни солиқка тортишнинг шартлари ва уларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тартиблари кўзда тутилган.

Маҳсус иқтисодий зоналар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган муддатга, киритган хорижий инвестицияларининг ҳажмидан келиб чиқиб, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлашдан озод этилган.

Маҳсус иқтисодий зоналар иштирокчилари Солиқ кодексига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ва бошқа солиқлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиши мумкин.

12.3. Маҳсулот тақсимоти бўйича битим доирасида амалга ошириладиган фаолиятни солиқка тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Хорижий инвесторлар учун маҳсулот тақсимоти бўйича битимнинг амал қилиш муддати давомида қўшилган қиймат солиғини тўлаш жорий қилинмоқда. Мазкур норма 2020 йилнинг 1 январидан кейин тузилган маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларга нисбатан қўлланилади.

12.4. Адвокатлар коллегияси, адвокатлик фирмалари, адвокатлик бюролари ва адвокатларга солиқ солишининг ўзига хос хусусиятлари сақланиб қолинмоқда.

12.5. Хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариусларга солиқ солишининг ўзига хос хусусияти жорий этилмоқда. Бунда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинадиган даромадлар қисмида белгиланган ставкалар бўйича ижтимоий солиқ ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашни назарда тутади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус зиммасига ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қисмида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш мажбурияти юклатилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар нотариал хизматлар кўрсатиш бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фойда солиғини Солиқ кодексида белгиланган ставка бўйича тўлайди. Бунда фойда солиғини

ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисботларини тақдим этиш ва тўлаш йилига бир марта, ҳисбот давридан кейинги йилнинг 1 мартадан кечиктирмай амалга оширилади.

Фойда солигини ҳисоблаб чиқаришда Солиқкодексининг 43-бобида назарда тутилган даромадларнинг барча турлари хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг даромадлари деб эътироф этилади.

Нотариал фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар чегириладиган харажатлар жумласига киритилади. Бунда чегирилмайдиган харажатлар ушбу Кодекснинг 317-моддасига мувофиқ аниқланади.

Фойда солиги тўланганидан кейин хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг тасарруфида қолган фойда солик солиш мақсадида дивиденdlарга тенглаштирилади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг моҳиятини мазкур хатда қўрсатилган асосий ўзгаришларга алоҳида эътибор берган ҳолда солик тўловчилар ва ахолига етказилиши сўралади.

Вазир ўринбосари

Д. Султанов

Раиснинг
биринчи ўринбосари

М. Мирзаев